

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”

“Imkon-Sug’urta”
акциядорлик жамияти

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги



Кузатув кенгаши раиси



Вазир ўринбосари

А.А. Мухитдинов

О.Р.Исаков

Ягона муассиснинг
2022 йил “11” февраль даги
24 -сонли қарори
 (“Ипотека-банк” АТИБ
Бошқаруви йиғилишининг
2022 йил “11” февраль даги
24 -сонли баёни)

2022 йил “22” феврал
Р0948 - сон

М.Ў.

АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР
“IMKON-SUG’URTA” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Идентификация рақами берилди:

Q	U	1	0	1	P	0	9	4	8	W	2
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 35 938 747 108 (ўттиз беш миллиард тўққиз юз ўттиз саккиз миллион етти юз қирқ етти минг бир юз саккиз) дона умумий қиймати 35 938 747 108 (ўттиз беш миллиард тўққиз юз ўттиз саккиз миллион етти юз қирқ етти минг бир юз саккиз) сўмлик оддий эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги акциялар

Акциялар ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши биринчи чиқарилишдир.

Тасдиқланган: “Imkon-Sug’urta” акциядорлик жамияти ягона муассиснинг 2022 йил “11” февраль даги 24- сонли қарори билан (“Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви йиғилишининг 2022 йил “11” февраль даги 24- сонли баённомаси билан)

“Imkon-Sug’urta” акциядорлик жамияти ягона муассиснинг 2022 йил “11” февраль даги 24- сонли қарори асосида (“Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви йиғилишининг 2022 йил “11” февраль даги 24- сонли баённомаси асосида)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили – 100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 17-уй. Телефон: (78) 207-48-84. Факс: (78) 207-48-84. Электрон почта манзили: info@imkonsugurta.uz

Бошқарув раиси



Бош бухгалтер в.б.

Намозов Анвар Қаҳҳарович

Ортиқов Султонбек Бахтиёр ўғли

Сана: 2022 йил “11” февраль

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли):
Оддий.
 2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли – **Хужжатсиз.**
 3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **1 (бир) сўм.**
 4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **35 938 747 108 (ўттиз беш миллиард тўққиз юз ўттиз саккиз миллион етти юз қирқ етти минг бир юз саккиз) дона.**
 5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **35 938 747 108 (ўттиз беш миллиард тўққиз юз ўттиз саккиз миллион етти юз қирқ етти минг бир юз саккиз) сўм.**
 6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари: **Ушбу чиқарилишдаги ҳар бир оддий акция эгаларига қўйидаги ҳуқуқларни беради:**
 - **Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;**
 - **ўзига тегишли депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;**
 - **Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;**
 - **Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;**
 - **акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;**
 - **Жамият уставига мувофиқ эмитентнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш;**
 - **олган дивидендини эркин тасарруф этиш;**
 - **қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек, судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;**
 - **ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;**
 - **ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;**
 - **қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш.**
- Акциядорлар қонунчиликда ва Жамият уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.
7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: **Жамият чиқарилиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, ушбу чиқарилишдаги акциялар “Imkon-Sug’urta” масъулияти чекланган жамият шаклидаги суғурта компаниясини ўзгартириш (қайта тузиш) йўли билан қайта ташкил этилган “Imkon-Sug’urta” Акциядорлик жамияти ягона муассисига жойлаштирилади.**
 8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **35 938 747 108 (ўттиз беш миллиард тўққиз юз ўттиз саккиз миллион етти юз қирқ етти минг бир юз саккиз) сўм;**
 9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Жамият томонидан илгари акциялар чиқарилмаган.**
 10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Жамият томонидан илгари облигациялар чиқарилмаган.**
 11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.
 - 11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):
Ушбу чиқарилишдаги акциялар қуйидаги тартибда ягона муассисга ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади:

Муассис номи	Жойлаштириладиган акциялар сони (дона)
“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки	35 938 747 108
Жами	35 938 747 108

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: Ушбу чиқарилаётган акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 15 (ўн беш) календарь кунни давомида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси - акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилиб, бу ҳақдаги маълумот қонунчиликка мувофиқ эълон қилинган кун ҳисобланади. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунига бошланади.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси - ушбу чиқарилишнинг сўнги акцияси жойлаштирилган кун, бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, ушбу акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 15 (ўн беш) календарь кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: Ушбу чиқарилаётган акциялар номинал қиймати бўйича уларга “Imkon-Sug’urta” масъулияти чекланган жамият шаклидаги суғурта компаниясини ўзгартириш (қайта тузиш) натижасида унинг устав фондидаги иштирокчиси “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банкининг 100 фоиз миқдордаги улушини номинал қиймати бўйича айрибошлаш (конвертация қилиш) орқали бирор бир фуқаролик-ҳуқуқий битим (шартнома) тузилмасдан жойлаштирилади.

Акциялар жойлаштирилиши жараёнида андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмаган.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи: “Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси” давлат корхонаси

Жойлашган манзили ва почта манзили - 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй

Телефон: (71) 267-37-42, Факс: (71) 267-36-94, эл.почта: info@deponent.uz, интернет манзили: www.deponent.uz

лицензия – мавжуд эмас; ташкилий-ҳуқуқий шакли – давлат корхонаси.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қиймати бўйича 1 (бир) сўмдан жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўловлар:

эмитент “Imkon-Sug’urta” масъулияти чекланган жамият шаклидаги суғурта компаниясини акциядорлик жамиятига ўзгартириш (қайта тузиш) йўли билан қайта ташкил этилганлиги;

“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банкининг “Imkon-Sug’urta” масъулияти чекланган жамият шаклидаги суғурта компанияси устав фондидаги 100 фоиз миқдордаги улуши тўлиқ шакллантирилганлиги ва ушбу улуш номинал қиймати бўйича эмитентнинг ушбу чиқарилишдаги акцияларига уларнинг номинал қиймати бўйича айрибошланаётганлиги (конвертация қилинаётганлиги);

акциядорлик жамиятига ўзгартирилган (қайта тузилган) “Imkon-Sug’urta” масъулияти чекланган жамият шаклидаги суғурта компаниясининг барча активлари ва унинг устав фонди бутун миқдорини ўз ичига олган пассивлари, шу жумладан, барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари эмитентга топшириш далолатномаси

орқали ўтказилганлиги сабабли, уларнинг номинал қийматида ушбу акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган санада эмитент муассиси “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки томонидан тўлиқ тўланган ҳисобланади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда тўлов сифтида қабул қилинган тўлов воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда топшириш далолатномаси асосида 10 (ўн) кун давомида қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот (муҳим факт) ва қонунчилик билан белгиланган бошқа маълумотлар, акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонунчилик билан ўрнатилган муддатда Корпоратив ахборот ягона портали (www.openinfo.uz) ва Жамият расмий веб-сайтида (www.imkonsugurta.uz) эълон қилинади.

Жамият қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорининг асли ва нусхаси билан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 17-уй манзили бўйича жойлашган “Imkon-Sug’urta” АЖнинг Бош офисида танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар: Кўзда тутилмаган.

